



ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz • № 37 (897) • 2012-yil, 14-sentabr, juma

ЎЗБЕКИСТОН ОҚИЛОНА ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ САМАРАСИДА БАРЧА СОҲАЛАРДА УЛКАН ЮТУҚЛАРГА ЭРИШМОҚДА

Халқаро конференция иштирокчилари Бухорога ташриф буюрди

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзудаги халқаро конференция иштирокчилари 13 сентябрь кuni Бухорода бўлиб, бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, боқий шаҳарнинг оламга донғи кетган тарихий ва меъморий обидалари билан танишдилар.

Бухоро вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ислохотларнинг самарасида барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,2 фоиз ошди. 2002 йилда вилоятда 15 минг 848 кичик бизнес корхонаси фаолият юритган бўлса, 2012 йилга келиб уларнинг сони 27 минг 603 тага етди.

«Президент Ислам Каримов юритаётган оқилона иқтисодий сиёсат самарасида бугун Ўзбекистон барча соҳаларда улкан ютуқларга эришмоқда, — дейди Япониянинг Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлар институти ижрочи директори, Кукушкан ва Такушоку университетлари фахрий профессори Тетцuji Танака. — Ўзбе-

мутахассис ривожланишига хизмат қилаётир. Қадимий шаҳарларнинг ўзгача таровати ва файзи бор. Улар орасида Бухоро алоҳида ажралиб туради. Бу заминдан жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган қўлаб алломулар етишиб чиққанлиги эътиборга молик.»

Вилоятда тижорат банклари томонидан бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. 2002-2011 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 18 баробар кўпайди. Натижада соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши мунтазам ошиб бормоқда. 2002 йилда бу рақам 35 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда у 65,7 фоизга етди. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 19,9 фоизга, қишлоқ хўжалигида 98,3 фоизга, қурилишда 64 фоизга, чакана савдо айланмасида 44,5 фоизга, экспортда 13 фоизга етди. Иш билан банд аҳолининг 77 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

Давоми 5-бетда ➤



А. АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Замонавий ахборот технологиялари

жамиятимизнинг барча жабҳаларига
шиддат билан кириб келмоқда

Концепция: устувор вазифалар

Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилмоқда. Айниқса, электрон тўлов ва электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, аҳолига қулай ва сифатли хизмат кўрсатиш омилга айланмоқда. Ўз навбатида, бундай янгилаш жараёнлари соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамлаш, юқори ва барқарор иқтисодий натижаларга эришиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, маҳсулот ва хизматларни жаҳон бозорига олиб чиқиш асосида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этаётир.

Ҳар бир соҳа ривожининг қанчалик ҳуқуқий мустаҳкамланганлигига боғлиқ. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида ҳам халқаро ҳуқуқий меъёрлар талабига жавоб бера оладиган мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилгани ва у тобора ривожлантириб борилаётгани ахборот коммуникация технологиялари хизматлари жамиятимизнинг барча жабҳаларига шиддат билан кириб келишини таъминламоқ-

да. Хусусан, замонавий талаб ва стандартлар ҳамда конституциявий тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Радиочастота спектри тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида» ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа бир қатор қонуности ҳужжатлари соҳа ривожига муҳим омил бўлмоқда.

Давоми 4-бетда ➤



Микромолиявий хизматлар

истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва
манфаатларини янада мустаҳкамламоқда

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар Қўйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилаётган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилишди.

Давоми 2-бетда ➤

Асосий Қомусимиз принципларининг ҳаётдаги инъикоси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 20 йил

Республикаимизнинг истиқлолга эришиши иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгилашнинг ёрқин истиқболларини очиб берди. Ҳурликка эришган давлат, шубҳасиз, ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият қуришга, ҳуқуқий тизимини яратишга киришади.

Кўп асрлик тарихий, сиёсий, маданий илдишларга эга бўлган Ўзбекистон давлат қурилишининг аниқ йўналишларини белгилашда халқ аънавлари, миллий урф-одатлари, кишиларнинг турмуш тарзи, жамиятнинг рақам топа бориш босқичларини ҳисобга олган ҳолда, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўз тараққиёт моделини танлаб олиб, демократик ривожланиш йўлига қадам қўйди.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини эркинлаштириш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, фуқаролик жамиятини

шакллантириш, шахс ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий давлат бунёд этиш йўлида муҳим вазифаларни собитқадамлик билан рўйбга чиқармоқда.

Ўзида юксак инсонпарварлик ғояларини мужассамлаштирган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳаётимиз дастуриламалига айланди. Конституциянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

Давоми 4-бетда ➤

«ОБУНА — 2013»
«Адолат» газетасига 2013 йил учун обуна бошланди!
Вақтида обуна бўлишни унутманг, ана шунда газетани излаб овора бўлиб юрмайсиз, «Адолат»нинг ўзи ишхонангизга ёки уйингизга кириб келади!
«Адолат» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!
Нашр кўрсаткичи 100.

«Швед тажрибаси» — социал-демократик ғоялар тантанаси

Стефан Ловен партия фаоллари ва касаба уюшмаларини таълим сифатини ошириш, ишсизликни камайтириш, ҳар бир инсон ўз имкониятларини ошира олишга қодир бўлган кучли жамият қуриш йўлида кучларни бирлаштиришга қақирди.

7-бет



Муқобил энергия манбалари

Инновация

уни самарали
ўзлаштириш табиий
бойликларимизни
келгуси авлодлар
учун асраш ҳамда
атроф-муҳитни
муҳофаза қилишда
муҳим аҳамиятга
эга.



5 ➤

Заҳматкаш олим, жонкуяр устоз

минглаб инсонларнинг кўзларига нур, қалбларига қувонч бахшида эта олган Қаҳрамон

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институти офтальмология кафедраси профессори Халиджан Камиллов ҳаётида ўчмас из қолдирадиган бўлди. Шонли сана арафасида Президентимизнинг фармонида мувофиқ у билан яна икки юрдошимизга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилди.


— Ватанимиз Истиқлолнинг муборак айёми муносабати билан энг фидойи, ватанпарвар юрдошларим қатори бундай юксак шарафга сазовор бўлганимдан бахтиёрман, — дейди Халиджан ака. — Бунини мен нафақат ўзимга, балки, бутун соғлиқни сақлаш тизимига, барча тиббиёт ходимларига, соҳа ривожига ҳисса қўшаётган олимларга, кафедрамиз жамоасига берилган олий мукофот, деб ҳисоблайман. Ўзимга бўлган юксак ишончини албатта ҳалол меҳнатим билан оқлайман.

Юртимизда барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизими ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Тармоқда босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар инсон саломатлигини янада мустаҳкамлашга, эл соғлигини юрт бойлигига айлантиришга хизмат қиляпти. Ёш давлатимизнинг халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларида еришган ютуқларини ҳорижий мутахассислар бежиз эътироф этишмаяпти. Ўзбекистон ўзи танлаган ўзига хос ва мос ривожланиш йўлидан дадил одимламоқда. Тараққиётимизнинг қафолатиغا айланган “Ўзбек модели” қисқа фурсат ичида асрларга татигулик иш-

ларни амалга ошириб улгурган бунёдкор халқимизга қудрат бағишляпти. Ҳаёти-мизда туб ўзгаришлар юзага келмоқда.

Изланувчан олим Халиджан Камилловнинг кўз ўнгиде Мустақиллик йил сайин қаддини тиклаб, улғайди, куч-қудратга тўлди. Хурлик, эркинлик берган бахтдан масрур қалблар юрт ишқиде ёнди. Ўзини шу овоз ва обод Ватан фарзанди деб билган, тақдирини унинг тақдири билан боғлаган, эл бахтини ўз бахтига айлантирилган ҳар бир фуқаро каби у киши ҳам олдиға қўйган эзгу мақсадларини дадил амалга оширишга киришди. Истиқлол берган имкониятлардан кенг фойдаланиб, офтальмология соҳасида янгиликлар яратди. Эл дардиға дармон бўлди. Кўп йиллик самарали илмий изла-нишларига эға бўлган кафед-ранинг таянч устунларидан би-риға айланди.

Маълумки, кўз инсон орга-низмидеги энг нозик аъзолар-дан бири. Профессор Халид-жан Камиллов фаолият кўрса-таётган офтальмология кафе-драсида кўз касалликларини замонавий усулларда даволаш бўйича тадқиқотлар олиб бо-рилади, илм-фан янгиликлари соҳада қўлланилади. Бугунги



кунда олти нафар профессор-ўқитувчи, ўттиз нафарға яқин аспирант ва клиник ординатор ишлаётган кафедра мазкур соҳанинг таянч марказларидан бириға айланди. Институтға мамлакатимизнинг турли бур-чаларидан малака оширгани келган офтальмологлар ҳам соҳадаги ўзгаришлардан ха-бардор бўлишиб, хасталик-ларни даволашнинг замонавий усулларини кунт билан ўрга-нишмоқда. Бир нечта каш-фиётларига тегишли патент-лар олган олим соҳаға оид ил-мий излаишларини изчил да-вом эттиряпти.

Халиджан Камилловнинг тад-қиқотлари билан танишсангиз, профессор яратган бир қатор янгиликлар элимизға катта

наф келтираётганиға ишонч ҳосил қиласиз. Ўз фаолияти-ни учта муҳим йўналишға йўналтирган олим давтавал врач сифатида беморларни текшириш, даволаш, тузатиш ишлари бўйича бой тажриба орттиришға асосий эътибор-ни қаратди ва бу борада эришган ютуқларини малака оширгани келган врачларға ҳам ўргатди. Кейинги йўна-лишға мувофиқ у кўз касаллик-ларини даволовчи шифокор-ларни тайёрлаш ва қайта тай-ёрлашға эътиборни кучайтир-ди. Уларнинг малакасини уз-луксиз равишда ошириб бо-ришни ўз олдиға мақсад қилиб қўйди ва бунға эриш-ди. Учинчи йўналишға қўра ил-мий натижаларға асосланган

тавсияларни текшириш, даво-лаш, таҳлил қилиш ва амали-ётға татбиқ этиш борасида иш олиб борди. Улар асосида про-фессор томонидан ишлаб чи-қилган қатор тавсиялар бугун кафедранинг фаҳриға, офталь-мологларнинг муҳим қўлланма-сига айланган.

Узоқ йиллар республика кўз касаликлари шифохонасида ишлаб, тиббиёт фанлари ном-зоди бўлган, докторлик дис-сертациясини ёқлаган, деяр-ли чорак аср мобайнида маз-кур кафедрада самарали фао-лият кўрсатиб келаётган заҳ-маткаш олимнинг бевоисита саъй-ҳаракатлари билан тиб-биётнинг бу муҳим соҳасида қатор янгиликлар амалға оши-рилди. Офтальмологиянинг

бугунги ривожига мустаҳкам пойдевор қўйилди. Жумладан, кўрув нерви ва хиазма (кўрув нервларининг бош миядаги кесишган жойи яллиғланиши) касалликларини глаукомани дори-дармонлар ҳамда жар-роҳлик усуллари билан даво-лаш йўлга қўйилди. Глаукома-ни бартараф этишда микро-хирургия, жарроҳлик усуллари пайдо бўлди. Уларнинг ме-ханизмлари пухта ишлаб чиқи-либ, амалиётға кенг татбиқ этила бошланди. Кўздаги қон-томир касалликларини текши-ришнинг янгича усуллари қарор топди. Беморларни ама-лиётға кириб келган янги дори-дармонлар билан даво-лашға алоҳида эътибор қара-тилди. Кўриш аъзоларидаги яллиғланиш касалликларини даволашда ҳам янги услублар юзаға келди. Катарактани ульт-ратравуш ёки лазер нурлари билан майдалаб олиш омма-лашди. Кичик кесимлардан фойдаланган ҳолда кўз ичиға сунъий гавҳар ўрнатиш жара-ёнидаги операцияларнинг тур-ли янги вариантлари яратил-ди. Кўзнинг яллиғланиш касал-ликларини даволаш бўйича про-фессор яратган яна бир муҳим янгилик — дориларни лимфот-роп усулида бемор организм-ға юбориш ҳам эндиликда кат-та самара бермоқда.

Шифокорлик — Халиджан акаға ота касб. От изини той босар, деганларидек, шу ка-федрани 1957 йилдан 1988 йилғача бошқарган тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсат-ган врач, фан арбоби Маҳам-маджон Комилов изидан бор-ган фарзанди бугун соҳада кат-та мактаб яратиб, қўнчилик ёшларға устозлик қилмоқда. Унинг бевоисита илмий раҳбар-лигида республикамизда кўзға қўрилган олимлар — Холбўта

Тўракулов, Раҳмон Муҳаммади-ев, Мунира Қосимова каби тиб-биёт фанлари докторлари ети-шиб чиқди. 30 нафар ёш олим эса бевоисита Халиджан ака раҳбарлигида тиббиёт фанла-ри номзоди бўлди. Яна қанча дан-қанча офтальмологлар эса устознинг илмий салоҳияти меҳру муҳаббатидан баҳра-манд бўлиб, бой иш тажриба-ларини жойларда кенг қўллаш-моқда, офтальмология соҳа-си янада ривожланишиға ўзлари-нинг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Тўқин дастурхон бошида ўзини қўлашға келаётган кат-таю кичик меҳмонларни қўти-олар экан, Халиджан ака шун-дай кўнларға етишганиға шук-роналар айлаб, Истиқлол бер-ган бахтни олқишламоқда, юрт-ға тинчлик-осойишталик, элга фаровонлик тиламоқда.

Бахт. Уни ҳар ким ҳар хил тушунади. Офтальмология соҳасини ривожлантиришға ул-кан ҳисса қўшган, қанчадан-қанча инсонларнинг кўзларига нур, қалбларига қувонч бахши-да этган заҳматкаш олим, жон-куяр муаллим, илм йўлини тан-лаган кўплаб истеъдодли ёшларнинг талабчан ва меҳри-бон устози Халиджан Камиллов учун эса бахт — бу ўзинг сев-ган касбни ардоқлаганинг, қад-риға етганинг, меҳнатининг роҳатини кўрганинг, эл-юртға кераклигинг.

Ҳеч ким қаҳрамон бўлиб ту-ғилмайди. Йиллар давомида қилинган ҳалол меҳнат, фидой-илик, элим деб, юртим деб ёниб яшаш инсонни қаҳрамон-ға айлантиради. Бунинг ёрқин мисоли профессор Халиджан Камилловдир.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
“Adolat” мухбири

Пировард мақсадимиз

партиямиз сайловолди дастурида илгари сурилган режаларни ҳаётға тўлақонли татбиқ этиш

Депутатлик гуруҳларида

Термиз — Истиқлол шарафати билан ўзгача таро-ват касб этган шаҳар. Шаҳарда амалға оширилган кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва қўла-ламзорлаштириш ишлари натижасида вилоят маркази таниб бўлмас даражада ўзгарди. Жаҳон цивили-зациясига ўзининг бой тафаккури билан улкан ҳисса қўшган, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодимиз мангу қўним топган макон — ал-Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуаси мутлақо янгича қиёфаға эға бўлди. Боғ-роғлар барпо этилди, зиё-ратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилди... Ана шундай яратувчанлик ишларида халқимизнинг фаол иштирок этаётгани эса порлоқ келажакка бўлган мус-таҳкам ишонч ифодасидир, албатта.

Эътибор бор жойда ўзга-риш, олға силжиш бўлади. Ин-сон меҳнатига бериладиган баҳо, рағбат, энг муҳими ишонч унинг ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этади. Биргина, мамлакатимиз аҳолисининг даромади муттасил кўпаяётга-ни, турмуш фаровонлиги ўсаётгани ҳар бировимизнинг қалбимизға олам-олам қувонч бахш этиб, эртанг кун учун янада масъул бўлишға унда-моқда. Мен Халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгаши депу-тати этиб сайланганимда бу ҳаётий ҳақиқатни теран англаб етган эдим.


Халқ ишонч билдириб, де-путат этиб сайлайди. Шу ўрин-да табиий савол туғилади, хўш, сайловчилар ишончи оқланаяптими? Ислохотлар жа-раёнида халқ вакилларининг иштироки қандай бўлмоқда? Утган даврда Термиз шаҳар кенгашидаги Ўзбекистон «Адо-лат» СДП депутатлик гуруҳи то-монидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси бўйи-ча ўнға яқин тадбирлар ўтка-зилди.

Жумладан, депутатлик гу-руҳи йиғилишида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси мутасаддилар ишти-

рокида таҳлил қилинди. Бун-дан ташқари, депутатлик гуру-ҳимиз ташаббуси билан иж-роия ҳокимлиги бўлимлари, ташкилот раҳбарлари ҳисобот-лари тингланаяпти. Масалан, яқинда бўлиб ўтган сессияда шаҳар газлаштириш корхона-си раҳбарининг ҳисоботи эши-тилди. Корхона раҳбари «Гу-листон», «Каттабоб», «Сурхон соҳили» маҳаллаларида газ таъминоти бўйича юзаға кел-ган муаммо бўйича депутатлар олдида ҳисобот берди.

Ижтимоий адолат, қонун ус-туворлиги, барча фуқаролар-нинг қонун олдида тенглиги партиямиз дастурининг ус-тувор йўналиши этиб белгилан-ган. Фуқаро Шавкат Назаров ипотека кредити олишда баъ-зи муаммоларға дуч келаётга-ни ҳақида депутатлик қабулхо-намизға мурожаат қилди. Ма-сала ўрганилиб, «Халқ банк»-ининг Термиз шаҳар бўлими-ға депутатлик сўрови билан чиқилди. Натижада банк томо-нидан аризачиға 50 миллион сўм миқдорида ипотека кре-дити ажратилди.

Шаҳарнинг «Гулистон» ма-ҳалласи сайловчилари муро-жаати асосида маҳалла гуза-ри барпо этилди. Айни вақтда Мустақиллигимизнинг 21 йил-



лиги арафасида гузарнинг би-ринчи навбати ишға туширил-ди. Чойхона, озиқ-овқат дўко-ни, тўловларни амалға оши-риш шохобчаси халқ хизмати-да. Сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, гўшт дўкони, кичик тикув цехи каби аҳолиға хизмат кўрсатиш шо-тилади. Корхона раҳбари «Гу-листон», «Каттабоб», «Сурхон соҳили» маҳаллаларида газ таъминоти бўйича юзаға кел-ган муаммо бўйича депутатлар олдида ҳисобот берди.

Дарвоқе, янги бинонинг бир қисмида Ўзбекистон «Адолат» СДП Термиз шаҳар кенгаши ва депутатлик гу-руҳи, фуқаролар қабулхонаси жойлашгани партиянинг ха-лққа янада яқинроқ бўлишини таъминлади.

Ўтган йиллар давомида амалға оширилган ана шундай ишлар натижасида шаҳар партия ташкилоти фаолияти-да сезиларли натижаларға эришилди. Масалан, «Адолат» СДПнинг Термиз шаҳар кен-гашида 2004 йилги сайловда атми 1 нафар депутати бор эди. Шу даврларда бошлан-ғи ташкилотлари 15 тани, аъзолари сони эса 350 нафар-ни ташкил этган бўлса, айни вақтда халқ депутатлари Тер-

миз шаҳар кенгашида Ўзбеки-стон «Адолат» СДПнинг 8 на-фар депутати фаолият юрит-моқда. Кўйи бўғинлар 30 таға етди. Аъзолар сони эса 800 на-фардан ошди.

Айтиш керакки, Термиз шаҳрида «Адолат» СДП гоға ва мақсадларини илгари суриб, сайловчилар ишончини қозо-наётган депутатларимиз ораси-да зиммасидаги масъули-ятни тўлиқ ҳис этмаётган де-путатларимиз ҳам учраб ту-рибди. Бундан ташқари, му-тасаддилар ҳисоботини эши-тиш, давлат идоралариға де-путатлик сўрови юбориш би-лан чекланиб қолиш ҳолатла-ри оз бўлса-да, кўзға ташлан-моқда.

Адолат юзасидан айтади-ган бўлсак, депутатлар ва партия гуруҳлари сўров ин-ститутидан амалиётда жуда кам фойдаланмоқдалар. Ал-батта, бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Ху-сусан, сўров институти бўйи-ча услубий қўлланмалар, де-путатларда ташаббус етиш-маслиги, тажрибалар тарғи-бот қилинмаслиги, жойларда-ги ҳокимият ва сиёсий парти-яларда сўров институтиға эътибор яхши эмаслигини ай-тишимиз мумкин.

Сайловчилар томонидан билдирилаётган таклифлар, муаммо ва камчиликлар ечи-мини топиш депутатларимиз олдида турган муқаддас бур-чидир. Буни ҳар бир депутат юракдан ҳис этиб, сайловчи-лар ишончини оқлашға ҳара-кат қилиши шарт. Бўлиб ўтаётган йиғилишларда ай-рим депутатлар томонидан йўл қўйилган камчиликларни туга-тиш, депутатлар ишини яхши-лаш, партия депутатлик гу-руҳлари фаолиятини тако-миллаштириш бўйича так-лифлар ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирға, ҳар бир де-путатнинг фаолиятини мони-торинг қилиш тизимини тат-биқ этибгина қолмай, депу-татлик гуруҳидаги ҳар бир аъзонинг самарали қонунчи-лик фаолияти учун депутат-ларнинг шахсий жавобгарли-гини қаттиқ назоратға олган-миз.

Бекмурод АШУРОВ,
Халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи раҳбари,
Термиз шаҳар партия кенгаши раиси

Хабарлар

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги “ART FLEX” нашриёти таҳририяти билан ҳамкорликда рес-публикада фаолият юритаётган нашриётлар ўрта-сида 2011 йилнинг сентябридан 2012 йилнинг ик-кинчи ярмиғача бўлган вақт мобайнида нашр этил-ган китоблар бўйича “Йилнинг энг яхши китоби” IV Республика кўрик-танловини эълон қилади.

Йилнинг энг яхши китоби аниқланади

Танловнинг мақсади мазмун-мундарижаси, матбаа ижроси борасида энг яхши китобларни аниқлаш, илғор нашриётлар ижодий жамоаларини рағбатлантириш ҳамда юртимизда мат-баачилик, ноширлик соҳасида эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб қилиш, соҳани янада ривожлантиришдан иборат.

Кўрик-танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

1. “Ижтимоий-сиёсий адабиёт”;
2. “Ватан тарихи”;
3. “Ўзбекистон муштов адабиёти”;
4. “Болалар ва ўсмирлар адабиёти”;
5. “ART китоб”.

Танлов ғолиблари ташкилий қўмита томонидан 2012 йил ок-тябрь ойида бўлиб ўтадиган “O’ZBEKINPRINT” ва “O’ZUPACK” XIV халқаро кўргазмаси ҳамда “Ўзбекистон матбуоти” II Миллий кўргазмаси тадбирлари доирасида мукофотланиб, уларға тан-ловнинг махсус дипломлари тантанали равишда топширилади.

Яна бир янги қўшма корхона

Когон туманидаги Тутикунда қишлоқ фуқа-ролар йиғини ҳудудида «Бухоро — Лабса» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ўз фао-лиятини бошлади.

Бу ерда барча турдаги ювиш воситалари таркиби-нинг асосини ташкил этувчи сульфон кислотаси ишлаб чи-қарилади. Йилға 8 минг тон-на маҳсулот ишлаб чиқариш қувватиға эға корхонанинг ишға туширилиш баробарида 35 нафар маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари яратилди.

— Сульфон кислотасига мамлакатимизда ва қўшни давлатларда эҳтиёж жуда кат-та, — дейди корхона раҳбари Умидхон Шукуров. — Шу боис, корхонамиз иш бошлаши би-ланок, харидорларимиз маҳсу-лот учун шартнома имзолаш мақсадида мурожаат қилиш-моқда.

Беконт туманидаги кир ювиш қуқуни ишлаб чиқариш-ға иктисослашган «Бухоро-Ба-ҳор» қўшма корхонаси маҳсу-

лотлари юртимиздаги бошқа турдош тадбиркорлик субъект-ларига етказиб берилади. Кел-гусида эса қўшни давлатлар-ға экспорт қилиш кўзда тутил-ган.

Корхона мутахассислари ва хитойлик ҳамкорларнинг эъти-роф этишича, келгусида кор-хонанинг узлуксиз ишлаши ва фаолиятини кенгайтириш учун барча имкониятлар етарли. Энг асосийси, мамлакатимиз-да сульфон кислотаси ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган бирламчи аксарият хомашё захираси мавжуд. Бу ҳол кор-хонанинг узлуксиз ишлаши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсу-лотнинг таннарҳи ҳам ижо-бий таъсир қўрсатади.

ҲАМРО АКИБЕВ,
журналист

Сиёсат

Асосий Қомусимиз принципларининг ҳаётдаги инъикоси

➤ Давом. Боши 1-бетда

Конституциядаги принцип ва бошланғич асослар демократик ҳуқуқий давлат талабларига тўла мос келиб, улар ўзбек миллий давлатчилигининг тарихий ривожланиш тажрибасига таянади.

Конституциямизда тараққий этган мамлакатларнинг асосий қонунларида мустақамланган конституциявий тузумнинг давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, сиёсий плюрализм, иқтисодий фаолият ва мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги, давлатнинг ижтимоий характери, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамдўстлигининг тўлақонли иштирокчиси эканлиги каби яхлит принциплар илк бор ўрин олган.

Асосий Қомусимизда, чунончи, халқ ҳокимиятчилиги, давлат тузилиши, жамият ва ижтимоий бошқаруvinинг барча тизимидаги ўзгаришлар қайд қилинган. Конституция сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқий тартибни мустақамлаш, ижтимоий ҳимояланиш таъминлашнинг муҳим кафолатидир. У ўзбек давлатчилиги ва фуқаролик жамияти ривожланишининг истиқболларини белгилаб боришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий негизи шаклланди. Халқимиз манфаатлари, истиқболли тараққиётимизга аҳамиятли чет эл сармояларини жалб қилиш, фуқароларнинг тадбиркорликлари учун муҳим иқтисодий механизмлар яратилди. Давлатнинг иқтисодий фаолиятининг кўпқиррали шакллариини ривожлантиришдан иборат конституциявий кафолатлар тадбиркорликнинг самараси ва меҳнатнинг эркин бўлишини таъминлаш мумкин бўлган бозор иқтисодиётининг негизини ташкил этиши, мулкчилик шакллариининг хилма-хил бўлиши, улар тенг ҳуқуқли ҳимояга эга бўлиши, ҳалол рақобат ва ижтимоий фойдали

бўлиши зарурдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар одамларнинг яшаш шароитлари ва турмуш тарзини қайта қуришга йўналтирилган бўлиб, унга кўра ўтиш даврининг қийинчиликлари ҳамда аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб қувватлаш асосида рўёбга оширилмоқда. Жумладан, жамиятнинг кескин табақаланишига барҳам бериш ва одамлар ўртасида ижтимоий тенглик қарор топишига қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу эса Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий воқелигида кўппартиявийлик шаклланиб, сиёсий ҳаётни ташкил қилишнинг доимий ҳаракатда бўлган асосий конституциявий принципи айланб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда, тўртта сиёсий партия — Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Либерал демократик партияси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 4 марта бўлиб ўтган умумхалқ сайловлари натижалари бунинг яққол мисоли бўлиши мумкин. Айниқса, бу йўналишда Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган ва қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги "Конституциявий Қонун" билан қадам бўлди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат сиёсий партияларнинг янада фаоллашишига, уларнинг давлат ижроия органларини шакллантиришдаги бевосита иштирокига, давлат аҳамиятига молик қонун ва қарорларни қабул қилишдаги ролининг ортишига хизмат қилади.

Бу соҳадаги асосий вазифаларга инсонларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш тарзини оқилона йўлга қўйиш, оилага, она ва болага, ногиронлар ва қарияларга кўмак бериш ҳамда пенсия ва нафақалар кабиларни белгилаш киради.

Ўзбекистон Конституциясида ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши қайд этилган бўлиб, бу нарсга фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшми ҳуқуқлари орқали рўёбга чиқарилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида кўплаб турли бирлашмалар — сиёсий партиялар, жамоат уюшмалари сонининг мунтазам ўсаётганлиги юртимизда фуқаролик жамияти шаклланиб бораётганлигининг ёрқин далилидир.


Бош Қомусимизга мувофиқ қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ўзининг чуқур ифодасини топиб, тарихий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичига хос жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида шу соҳада муҳим ташкилий ҳуқуқий институтлар вуқудга келтирилди.

Эндикда республикамизда инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи бир неча ташкилот ва муассаса фаолият олиб бормоқда. Хусусан, 1995 йилда Ўзбекистон парламентининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили иш олиб бора бошлади. 1996 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги (Эндикда Ўзбекистон Президенти ҳузурида) Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шу йили Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази, 1997 йилда "Ижтимоий фикр" маркази ташкил қилинди.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлига ўтиши билан давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва мустақамлашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотлар амалга оширилиши натижасида, унинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий амалиётда, конституциявий тузумида халқ ҳокимиятчилиги, ҳокимиятнинг тақсимланиш принципи асосланган давлат органлари тизими шакллантирилди. Икки палатали парламентни тузиш масаласининг 2002 йил 27 январидидаги референдумда халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини жадаллаштириш, республика сиёсий тизимини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Ўзбекистонда қисқа муддат ичида икки палатали парламентнинг ҳуқуқий асослари яратилди, миллий парламентга хос вазифалар ва ваколатлар ҳамда унинг қонун ижодкорлиги, парламентлараро алоқалар, ижро ҳокимиятини назорат этиш, фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятининг қатор асосий йўналишлари белгиланди. Ижтимоий вазифаларни ечишда парламент ролининг тобора ортиб бориши, парламентар демократияни ривожлантириш, унинг назорат қилиш функциясини кучайтириш, кенг жамоатчиликни қонунчилик жараёнига жалб қилиш заруриятини белгилаб берди.

Қонунларни икки палатали парламент орқали ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш сайловчилар манфаати ва аҳолиларига тўла мувофиқ келади. Зеро, бу жараён амалдаги Конституция доирасида турли ҳуқуқий ғоялар ва ташаббуслар билан парламентда плюрализм ва эркин рақобат муҳитини қарор топтириш имкониятини берди. Бунинг натижасида, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла таъ-



минлаш борасида яна бир муҳим истиқболга йўналтирилган қадам қўйилди.

Парламент ислохотининг амалга оширилиши жамиятимизда демократик принципларни янада мустақамлаш, парламент фаолиятини фаоллаштириш ва аҳолининг барча ижтимоий-сиёсий гуруҳлари ва қатламлари, шунингдек, мамлакат минтақаларининг амалий манфаатлари муштарак жамланган марказига айлантириш имкониятини берди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар билан дипломатия, консуллик, савдосотик ва бошқа соҳаларда алоқалар ўрнатмоқда, мухтор вакиллар қабул қилмоқда ва ўзининг вакилларини юрмоқда, халқаро шартномалар тузмоқда, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлмоқда. Давлатимиз халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўз ҳуқуқларини амалга ошира бориб, халқаро ва молия бирлашмаларига аъзо сифатида кирди. Бир қатор халқаро ташкилотларнинг тўлақонли аъзоси сифатида нафақат юртимиз, минтақамиз, балки умумбашарий аҳамиятга молик муаммолар ечимига оид масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этаётир. Буларнинг ҳаммаси Асосий Қонунимизда кўзда тутилган принципларнинг ҳаётдаги инъикоси бўлиб, Конституциямиз жамиятимиз манфаатларини ўзида тўла акс этириши рўй-рост исботлаб турибди.


Омонулла
МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлари доктори

InfinBank ва Artel совфаси

"InfinBank" хусусий очик акциядорлик-тижорат банки ва "Artel" савдо белгиси аҳолига истъмоол кредитини тақдим этиш бўйича ҳамкорликдаги лойиҳани ташкил этишди. Хусусан, "InfinBank" ХОАТБ аҳолига Artel савдо белгиси остидаги мошйий техникани сотиб олиш учун кредитлар бера бошлади.

Бугунги кунда Artel кондиционер, чанпоттич, микротўқинли печлар, газ, электр ва арралаш плиталар, телевизор, совутгичлар каби техника турларини кредитга тақлиф этмоқда.

Эслатиб ўтаамиз, Artel Жанубий Кореянинг Samsung, Хитойнинг Midea, Италиянинг Gloria ва Туркиянинг Odul компаниялари билан ҳамкорлик қилади.



Ҳамюртларимиз "Нима? Қерда? Қачон?" жаҳон чемпионати ғолиби

Рустам Саид-Аминов бошчилигидаги "НМТТ" жамоаси (Тошкент, Ўзбекистон) "Нима? Қерда? Қачон?" интеллектуал ўйинининг спорт версияси бўйича X жаҳон чемпионатида ғолиб қикди.

Саранск шаҳрида ўтказилган турнирда Россия, Украина, Белоруссия, Қозогистон, Озарбайжон, Арманистон, Ўзбекистон, Латвия, Эстония, Германия, Исроил, Буюк Британия ва АҚШдан 26 та жамоа қатнашган.

Икки кун давомида жамоалар 105 та саволлар атрофида беллашишди. Ўзбекистоннинг "Никита Мобайл ТТ" жамоаси иккинчи бор жаҳон чемпиони унвони учун курашда ғолиб қикди. Иккинчи ўрин Антон Губанов жамоасига (Петродворец), учинчи ўрин эса ЛКИ жамоасига (Москва) насиб этди.

Рўйхат кенгайтирилди

UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказини Ўзбекистон ҳуаудлоридидаги "Тўртта" Компьютерлаштириш марказига доменларни рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқини берди. Август ойида рўйхатга олувчи мақоми Фаргона, Наманган, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги Компьютерлаштириш марказлари олди.

Марказлар ходимлари ўқитилди ва уларга бошқа рўйхатга олувчилар билан бир қаторда, домен администратори маълумотлар базасига йўл берилди.

Энди юқоридаги ҳудудлар аҳолиси ўз ҳокимликлари ҳузуридаги Компьютерлаштириш марказларига муурожаат қилишлари мумкин.

Шунингдек, UZ миллий доменини янада ривожлантириш мақсадида бошқа вилоятлардаги Компьютерлаштириш марказларига ҳам рўйхатга олувчи мақоми бериш режалаштирилган. Уларнинг сони-



ни ошириш Ўзбекистон ҳудудларида домен номларини рўйхатга олиши анча енгиллаштиради.

Замонавий ахборот технологиялари

жамиятимизнинг барча жабҳаларига шиддат билан кириб келмоқда

➤ Давом. Боши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, улар томонидан интерактив давлат хизматлари кўрсатиш, электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини янада равожлантириш, тижорат фаолияти ва тадбиркорликда ахборот технологияларида самарали фойдаланишни ривожлантириш, Интернет тизими орқали коммунал ва бошқа тўловларни йўлга қўйиш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорда реализация қилиш мақсадида электрон тижорат инфратузилмасини яратиш борасида устувор вазифалар белгилаб берилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва телекоммуникация воситаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган қатор конференциялар, давра суҳбатлари таш-

кил этилмоқда. Уларда давлат ва жамият қурилиши тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш бугунги замон талаби ва демократик жамият барпо этишнинг муҳим шарти эканлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришда ижтимоий омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу асосда тегишли қонунчилик ҳужжатларининг такомиллаштирилиши эса давлат органларининг социал аҳамиятга эга бўлган ахборот ресурсларига оммавий ула-ниш, аҳолининг коммунал хизматлар учун электрон тўловларни амалга оширишнинг таъминловчи қулай коммуникация тармоқлари инфратузилмасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш имконини беради.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк-молия муассасалари интернет тармоғи ва мобиль алоқа воситалари ёрдамида ўз миқозларига масофадан туриб электрон тўловлар, «СМС-банкнинг», «Мобиль-банкнинг» каби интерактив банк хизматларини кўрсатмоқда.

Шунингдек, ахборот технологиялари соҳаси субъектла-



ри томонидан электрон тўловлар ва электрон тижоратни амалга оширишнинг автоматлаштириш имконини берувчи хилма-хил технологик ечимлар тақлиф этилмоқда. Масалан, интернетнинг «uz» доменда Интернет-дўкнлар сони мутасил ортиб бораётганини кўриш мумкин. Улар фойдаланувчиларга масофадан туриб, муайян вақт режимида бир қатор хизматларни тақдим этиб келаётир. Биринчи навбатда, бу коммунал, мобиль алоқа ва бошқа тўловларни тезкор электрон сервис орқали ҳисоб-китоб қилишни осонлаштиряпти.

Маълумки, партиямиз дастурининг «Сиёсий ўзгаришлар: инсон манфаатлари — энг


олий қадрият» деб номланган бўлимида «Адолат» СДП келгусида ҳам бошқарувда ошкоралик, очкилик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлашнинг илгари суриши алоҳида таъкидланган. Фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинуvinини жадаллаштиришда, албатта, замонавий ахборот коммуникация технологиялари ривожини таъминлаш лозим. Шу боис, партия соҳа ривожидида фаол иштирок этиб келмоқда. Қолаверса, «Адолат» СДП фаолият дастурида замонавий телекоммуникация ва ахборот технологияларини жамиятнинг барча соҳаларига фаол жорий этиш, интернет тармоғи ор-

қали турли интерактив хизматларни кўрсатишнинг ривожлантириш ҳам назарда тутилган.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришда ижтимоий омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу асосда тегишли қонунчилик ҳужжатларининг такомиллаштирилиши эса давлат органларининг социал аҳамиятга эга бўлган ахборот ресурсларига оммавий ула-ниш, аҳолининг коммунал хизматлар учун электрон тўловларни амалга оширишнинг таъминловчи қулай коммуникация тармоқлари инфратузилмасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш имконини беради.

Шунингдек, соҳага оид ҳуқуқий пойдевор ва ижро механизмларини такомиллаштириш асосида, энг аввало, замонавий ютуқларга асосланган миллий иқтисодиёт салоҳиятини янада кенгайтиришга эришилади. Шулар қаторида интернет тармоғининг миллий сегментини тараққий топтириш, уни зарур маълумотлар билан тўлдирини таъминлаш, миллий ахборот қидирув тизимини бутунлай ва сифат жиҳатидан яхшилаш, ундан фойдаланувчилар сонини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, электрон тижорат соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Райно ГАИМОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси



Бугунги кунда Ўзбекистоннинг 69 та олий ўқув юртидаги (Тошкентдан ташқари) "Келажак овози" Wi-Fi зоналарида роутерлар (икита алоқа тармоғи коммутацияси учун махсус қурилмалар) ўрнатилди. Симсиз интернетдан педагогик таркиб ҳам, ўқувчилар ҳам бепул фойдаланиши мумкин.

Бепул Wi-Fi нуқталарни ташкил этиш ғояси "Биз — бир жамоамиз" акцияси доирасида эълон қилинганди. Ушбу ғоя ноёб лойиҳага айланди. Лойиҳа 2010 йили "Келажак овози" ЁТМ қошида ташкил этилган Инновациялар ғоялар маркази (ИФМ) томонидан ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентли-

ги, Давлат патент идораси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фан ва технологиялар ривожини мувофиқлаштириш бўйича қўмита, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент Давлат техника университети ИФМнинг ҳамкорлари ҳисобланади.

Жараён

«Агробанк» ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси: истиқболли лойиҳалар амалда

Реклама



Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Уларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар, енгилликлар, имтиёзлар билан бир қаторда, тараққиётнинг устувор омили — модернизациялаш учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Бу жараёнда молия муассасалари хизматлари ҳам алоҳида эътирофга жоиз.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросидан келиб чиқиб, "Агробанк" ОАТБнинг Тошкент вилояти бошқармасининг 13 та шаҳар ва туман филиаллари томонидан 15 мингдан зиёд миқдорга қулай ҳамда замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида биринчи кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 19 миллиард сўмга яқин кредитлар йўналтирилди.

Бу сармоялар натижасида янги-янги иш ўринлари барпо этилиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолига қулайликлар яратиш, бир сўз билан айтганда, аҳоли фаровонлигини оширишга эришилмоқда. Биргина мисол, ажратилган шу кредитлар эвазига 1 минг 311 та янги иш ўринлари яратилди. Бу — шунча оиланинг рўзгорига барака кирди, дегани. Шунингдек, мазкур сармоялар қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришга, саноат корхоналарини модернизациялашга, савдо, маиший хизмат кўрсатишга ва бошқа истиқболли тармоқ-

ларни ривожлантиришга катта туртки берди.

Банк филиаллари томонидан вилоятдаги иқтисодий ночор, кам қувватли, фаолиятсиз корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида 16 та лойиҳага 2 миллиард 533 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Чунончи, Бекобод туманидаги "Оқ чашма" хусусий корхонасида сут маҳсулотларини қайта ишлаш биносини таъмирлаш ва мини технологиялар ускуналарини сотиб олишга 100 миллион сўм (15 та янги иш ўрни), Ўрта Чирчиқ туманидаги "Хилол Мубин" масъулияти чекланган жамиятига замонавий тўқув дастгоҳлари сотиб олиш учун (25 та янги иш ўрни), Юқоричирчиқ туманидаги "Маҳмудбек" фермер хўжалигига сутни қайта ишлаш ускунасини сотиб олиш ва ишга тушириш учун 117 миллион сўм (16 та янги иш ўрни) ва Ўрта Чирчиқ туманидаги "Атлант Агро Сервис" масъулияти чекланган жамиятига балиқчиликни ривожлантириш мақсадида 100 миллион сўм (8 та янги иш ўрни)

ва ҳоказо шулар жумласидандир.

— Ҳозирги кунда юртимизда кам қувватли ва ночор корхоналарни модернизация қилиш, янги техника ва технологиялар билан таъминлаш борасида изчил ишлар қилинмоқда, — дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги "Хилол Мубин" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мирхидой Каримов. — Хориждан тўқув дастгоҳлари олиб келиш учун банк бизга 1 миллиард 88 миллион сўмлик кредит ажратди. Айни пайтда жамиятда 25 та янги иш ўрни яратилиб, йилига 600 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўляпти. Келгусида трикотаж маҳсулотлари турини кўпайтириб, экспортни йўлга қўймоқчимиз.

Бугунги кунда йил давомида ички истеъмол бозорини юртимизда етиштирилган сартиш мева-чевалар билан тўлдирish, сақлаш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини ошириш, турини кўпайтириш ва сифатини ошириш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи-назардан йилнинг ўтган ойлари давоми-

да банк томонидан 7 миллиард 126 миллион сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун эса 4 миллиард 315 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, деҳқон ва фермер хўжалиқларини тараққий эттириш, уларнинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш ҳамда фаолиятларини истиқболли тармоқлар билан бойитиш борасида кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда. Масалан, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ўларок, юртимизда ёш оилаларни тадбиркорликка жалб этиш, қолаверса, тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёлларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ибратли саъй-ҳаракатлар бошланди. Банк, бу жабҳада, ёш оилаларни тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга 384 миллион сўм, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга эса 2 миллиард 285 миллион сўм кредит йўналтирди. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, банк билан ҳамкорлик қилаётган барча тадбиркор фермерлар оиласига кутбарака киритиб, қўшимча иш ўринлари яратиш, истиқболли лойиҳаларни амалиётга жорий этиш ва пировардида, юрт тараққиётига залворли ҳисса қўйиш саъй-ҳаракатлари ривожига амалий туртки бермоқда.

Абдуғани СОДИҚОВ

Имкониятлар ўз қўлимизда ҳар томонлама етук кадрларни топиб, жой-жойига қўйиш масаласи устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда

Ўз-ўзини танқид

Ҳозирги кунда сиёсий тажриба орттириш, сиёсий камолотга етишиш, энг муҳими, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини мустаҳкамлаш — булар мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар босиб ўтаётган йўл. Бунда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш мақсадида сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтириш мақсадида қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ана шундай яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб, дастурий ғоя ва вазифаларини амалга ошириш орқали партия фаолиятини янада такомиллаштириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Партиянинг Самарқанд вилояти Кенгаши фаолияти мазолида қарайдиган бўлсак, мазкур ташкилот партиявий ишларда катта тажриба тўплаётганига шохид бўлаемиз.

Бугун вилоят партия Кенгашидаги 13 минг нафарга яқин аъзо 365 та БПТга бирлашган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашида партиядан сайланган 7 нафар, шаҳар ва туман Кенгашиларида эса 41 нафар депутатлар фаолият олиб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоятнинг Самарқанд шаҳар ва Самарқанд, Ургут, Пасдаргом тумани партия кенгашилари фаолиятида эришилаётган ижобий ютуқлар вилоятда партия нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Масалан, биргина ургутлик фаолларимиз ҳудудда оилавий бизнесни янада ривожлантиришга ўзларининг муносиб

ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Мазкур ҳудудда оилавий тадбиркорларнинг кўпчиликлари қишлоқлик мевадари саралаш, қадоқлаш ва экспортга тайёрлаш билан шуғулланади. Ҳар йили хорижий давлатлар ва Ҳамдўстлик мамлакатларида 10-12 минг тоннагача қуруқ мева ва майиз экспорт қилинмоқда. Бу сердаромад иш билан шуғулланувчи оилавий тадбиркорлар сони 500 нафардан ошиб кетган. Туман партия кенгаши бу йўналишда фаолият юритаётган оилавий бизнес вакилларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Негаки, партияимиз дастуридаги Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор инсон учун» тамойилидан келиб чиққан ҳолда давлат ижтимоий дастурларини бажаришда партиянинг фаол иштирок этиши белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш ўринлики, шунга қарамай вилоят партия Кенгаши фаолиятини камчиликлардан холи деб ҳам бўлмайди.

Хусусан, Пахтачи, Жомбой ва Булунгур туман кенгашиларида ҳали ўз ечимини топмаётган масалалар учраб турибди. Айниқса, сиёсий етук, изланувчан, ташаббускор кадрларни топиб, жой-жойига

қўйиш масаласи устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ана шу вазифа урдаланган тақдирда кадрлар кўнимсизлигига чек қўйилган бўларди.

Маълумки, партиявий-ташқилий фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири — жойлардаги қўйи бўғинлар ишида изчилликка эришиш, улар орқали мавжуд муаммоларни туман кенгашиларидаги партия депутатлик гуруҳларида етказишдан иборат. Айни шу йўналишлардаги ишларга номлар зикр этилган туманларда ҳозирча сусткашлик ҳукм сураётди. Кўпгина бошланғич ташкилотлар эса номигагина иш олиб бораёпти.

Ўз сафларини кенгайтириш борасида мазкур туманлар кенгашилари томонидан олиб борилаётган ишларни қоникорли деб бўлмайди. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида учала туманда партия сафида бирорта ҳам аъзо қабул қилинмаган. Ташкил этилаётган тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, раҳбар кадрлар захирасини яратишга етарли аҳамият бериш кетган. Бунга партия фаолларида юндоқлик етишмаётгани сабаб бўлаётди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши фаоллари шу кеча-кундузда мазкур туманларда партия фаолиятини жонлантириш учун махсус ишчи гуруҳи тузишган. Камчиликларни бартараф этиш мақсадида жойларда сиёсий ўқувлар ташкил этилиб, фаоллар ва ҳайрихоҳлар энг зарур қўлланмалар билан таъминланмоқда. Шу билан бирга аҳоли ўртасида тарғиб-бот-ташвиқот ишларини кенгайтириш мақсадида тадбирлар қўлами ва савиясини бойитишга хизмат қилувчи таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши матбуот хизмати

«101» огоҳлантиради

Оловни бежизга тилсиз ёв деб атамайдилар. Негаки, оловга нисбатан эҳтиётсиз муносабат, ёнғин хавфсизлиги қондалорига риоя этмаслик аксарият ҳолларда нохуш оқибатларга олиб келади.

Лоқайд бўлмайлик

Маълумки, куз ойларида содир бўладиган ёнғинларнинг аксарияти ҳазонларни ёқиш оқибатида содир бўлади. Ўт-олов ёниб турган жойда асло лоқайдликка, беписандликка берилиб бўлмайди. Шу боис, соҳа ходимлари томонидан аҳоли яшаш жойларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, ижтимоий-маданий муассасаларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган самарали профилактиктик ишларни ташкил этиш мақсадида муайян тадбирлар олиб боришмоқда. Аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини йўлга қўйиш мақсадида аҳоли турар жойларида, корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида турли учрашувлар ўтказилмоқда. Айниқса, халқ таълими муассасалари — мактаблар ва болалар боғчаларида ташкил этилаётган бундай тадбирлар ниятда қизиқарли ўтмоқда. Зеро, ёнғинни бартараф этишдан кўра, унинг олдини олиш осон. Чунки бу қутилганидан ҳам яхши самара беради.

Даврон РОХАТАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар
Бош бошқармаси
ЁХБ 12-ХЕХО 26-ХЕХ,
смена бошлиғи, капитан

«Ипотека-банк» АТИБнинг Наманган вилоят филиали жамоаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, унинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва аҳоли бандлигини оширишни молиялаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Молиявий мадад — фаровонликка тиргак



Шунингдек, аҳоли учун шинам ва кўркам уй-жойлар барпо этиш, пул муомаласи барқарорлигини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Филиал жамоаси томонидан вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга сифатли банк хизматларини таклиф этиш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Масалан, Наманган шаҳридаги «Гарант М» масъулияти чекланган жамиятига озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун 87,4 млн. сўмлик узоқ муддатли кредит маблағи ажратилди. Корхонада энг сўнгги русумдаги замонавий технологиялар ёрдамида йилига ишлаб чиқарилаётган 480 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари нафақат вилоят аҳолисига, балки юртимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам етказиб берилмоқда.

Наманган шаҳрида фаолият юритаётган «Исоқжон савдо сервис» хусусий корхонаси банкнинг 100 млн. сўмлик кредити эвазига иш ҳажми ортиб, йилига 1480 млн. сўмлик эркаклар пойабзали маҳсулот-

лари ишлаб чиқармоқда. Бу ерда яратилган 10 та янги иш ўринларини эса ёшлар эгаллади. Агар рақамларга мурожаат этиладиган бўлса, банк филиали томонидан жорий йилнинг ўтган ойларида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 8404,2 млн.сўмни ташкил этган бўлса, шулардан 3001,3 млн. сўми ишлаб чиқаришни ривожлантириш, савдо ва айланма маблағларни тўлдириш учун 1591,3 млн сўм, қурилиш фаолиятига 423,0 млн. сўм, фермер хўжалиқларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва етказиб бериш мақсадида 2693,7 млн. сўм, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга жами 381,0 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Аҳоли, хусусан, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам филиал жамоасининг диққат эътиборидан четда қолмаётгани йўқ. Уларга мебель, маиший техника, электр ускуналари ва қурилиш материаллари сотиб олишларига яқиндан қўмақ бериш мақса-

дида истеъмол кредитлари ажратиш кенг йўлга қўйилган. 2012 йилнинг ўтган ойлари давомида 443,4 млн. сўм миқдорда жисмоний шахсларга ипотека ва истеъмол кредитларининг ажратилгани бунинг исботидир.

Шу билан бир қаторда, банк тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда оилавий тадбиркорликни бошлаш ниятидаги юртдошларимизга ҳам молиявий қўмақ кўрсатиб келмоқда. Жорий йил бошидан бўён 9 нафар коллеж битирувчиси молия муассасасидан 46 млн. сўм миқдорда кредит ҳисобига ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Мижозларга кредит бериш, айниқса, инвестициявий йўналишдаги лойиҳаларни кенг қамровли молиялаштириш самараси ўларок, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банкнинг кредит қўйилмалари ҳажми 24,1 млрд. сўмдан ошди. Шундан 21,4 млрд. сўмдан зиёди узоқ муддатли кредитлар эканлиги эътиборга молик. Мазкур сармоялар саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, қурилиш, транспорт каби соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. Айни чоғда банк филиалининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги фаоллиги ошгани ҳолда, жорий йилнинг 6 ойи давомида банк томонидан жами 8 404,2 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилгани ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунинг ҳисобига 201 та янги иш ўрни яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, «Ипотека-банк» АТИБ Наманган вилояти филиали томонидан турли хайрли мақсадларга ажратилаётган молиявий қўмаклар юртдошларимиз турмуши фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Банк матбуот хизмати



Ижтимоий ҳимоя

Эзгу мақсад йўлида

Кейинги йилларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда катта ишлар қилинди. Ҳозирги кунда ногиронлик гуруҳини белгилашда меҳнатга лаёқат эмас, балки ҳаёт фаолиятининг чекланиши асос қилиб олинган ногиронларнинг ҳуқуқий манфатларини ҳимоя қилмоқда.

Ходимларимиз асосий эътиборни даволаш-профилактика муассасалари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида фуқаронинг касаллик тўғрисидаги ҳаёт фаолияти чекланганлик даражасини, ногиронлик гуруҳини ва муддатларини аниқлаш билан бирга, ногиронларнинг тиббий ва ижтимоий ёрдамнинг қайси турига муҳтожлигини ҳам аниқлашмоқда. Комиссиялар беморларни даволашнинг назорат қилиш, шу орқали республика ҳудудида ногиронлиқни камайтиришни ўзларининг асосий вазифаси деб билишмоқда.

Жамоамиз шу йўналишдаги ишларни қўпайтириб, ижобий натижаларга эришди. Жумладан, бирламчи ногиронлик 70 нафарга,

қайта ногиронлик 696 нафарга камайтиди. Касаллик тўғрисидаги меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар даволаш орқали иш фаолиятига қайтарилди. 1164 нафар тўлиқ, 706 нафари қисман реабилитация қилинди. Комиссия аъзолари республиканинг узоқ қишлоқларида ҳам бемор ва ногиронларни тиббий қўриқдан ўтказиш билан бирга уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда.

Даволаш профилактика муассасалари билан биргаликда касалликлар ва ногиронлиқнинг олдини олиш ва реабилитация ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида илмий-амалий анжуманлар ва давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. Тушунтириш ишларини кучайтириш, ногирон

ва беморларнинг эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида тадбирлар ўтказилмоқда.

Жойлардаги бандликка қўмақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликдаги ишлар ўз самарасини бераётди. Ногиронларни ишга жойлаштириш, уларни касаначилик усулида иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг асосий тамойилларидан бири. Шу боис, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар саломатлигини тиклаш, уларни касбига, ўз меҳнат жамоасига, соғлом одамлар сафига қайтариш эзгу мақсадини бўлиб қолаверди.

Маҳмуд ШЕРИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Бош ТЖЭК раиси

Тиббий — ижтимоий ёрдам самарадорлиги ошмоқда

Беморларни даволаш ва назорат қилиш орқали ҳудудда ногиронлиқни камайтиришни асосий вазифаларимиздан бири деб биламиз. Жамоамиз мазкур йўналишдаги ишларни кучайтириб, ижобий натижаларга эришди. Жумладан, бирламчи ногиронлик 33 нафарга камайтиди.

Республикаимизнинг тиббий меҳнат экспорт соҳасига оид ҳужжат ва қарорлари, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия ҳамгармасининг йиғилиш қарор ҳамда буйруқлари билан таништирилиб, ходимлар ўртасида шунингдек, Шовот, Янгигеозор ва Гурлан туманлари шифохона ва поликлиника шифокорлари билан ногиронлиқни олдини олиш бўйича ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Урганч шаҳридаги минтақавий реабилитация марказида ногиронлар тиббий-иқтимоий, касбий реабилитация қилиниб, даволашнинг янги усуллари қўлланилиши, замонавий тиббий аппаратуралар билан жиҳозланганлиги, ижара пунктларининг ташкил этилганлиги, юқори малакали муассасалар борлиги ногиронларни реабилитация қилишда ижобий натижалар бермоқда. Жумладан, ўтган вақт оралиғида 256

нафар ногирон тўлиқ, 113 нафар ногирон эса қисман реабилитация қилинди.

Тиббий муассасалар ногиронларни яқка тартибда реабилитация қилиш дастурининг бажарилиши ТМЭК врачлари тамонидан назоратга олиниб, аниқланган ҳато ва камчиликлар поликлиника врачлари билан муҳожама қилинмоқда.

Албатта ҳар бир фаолиятнинг изчиллик билан олиб борилиши ва унга жиддий ёндашуш ишлар самарадорлиги ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Гавҳар КАРИМОВА,
Шовот туманлараро 99-сонли
ТЖЭК раиси.

«Швед тажрибаси» — социал-демократик ғоялар тантанаси

Дунё социал-демократик партиялари

...1864 йилда I Интернационал ташкил топган, Европанинг кўпгина давлатларида социал-демократик партиялар вужудга келди. 1889 йилда II Интернационал тузилди. 1917 йилги большевиклар тўнтаришидан кейин социал-демократик партиялардаги сўл кучлар III Интернационалга биришди. Ўнг социалистик ва социал-демократик партиялар эса 1923 йилда Социалистик Интернационални ташкил этдилар ва мазкур тузилма бугунги кунда ҳам мавжуд.

Умуман олганда, Фарбий Европада XIX аср охири XX аср бошларида Э.Бернштейн ва К.Каутскийлар томонидан назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган социал-демократик таълимот Россиядаги коммунистлар таълимотидан ўз прагматизми ҳамда ҳаётлиги билан тубдан фарқ қилар эди. Бу таълимотга кўра, умумий фаровонликка синфий кураш, инқилобий йўл орқали эмас, балки тинч, эволюцион йўл билан буржуа жамиятини аста-секин ислоҳ қилиш орқали ўтилади. Социал-демократлар бу кўрсатмаларини амалга оширишни давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётига фаол аралашуш, даромадларни камбағаллар фойдасига қайта тақсимлаш, иқтисодиётнинг давлат секторини ва кўплав давлат ижтимоий дастурларини ривожлантириш билан боғлайдилар.

Бернштейн ва Каутскийлар марксизм-ленинизм ҳаттоларини кескин танқид қилиб, «демократик социализм» тушунчасини ижтимоий онга олиб кирдилар. Бернштейн яратган демократик социализм, назарияси К.Маркнинг «Капитализм инқирози ва халқнинг тобора камбағаллашуви» тўғрисидаги тезисини рад этди. Шу муносабат билан пролетар инқилобини амалга ошириш ва унинг диктатурасини ўрнатиш тўғрисидаги марксча-ленинча ғоя ҳам зарарли ҳамда асоссиз деб топилди.

XX асрнинг иккинчи ярмида социал-демократик ғоя негизда Фарбий Европанинг бир қатор мамлакатларида турли-туман ижтимоий моделлар шаклланди. Булар ичида ҳаётнинг юқори даражаси ҳамда сифатини таъминлай олгани учун швед ва герман моделлари катта обрў қозонди. Европанинг кўплав мамлакатларида айнан социал-демократик партиялар узок йиллар давомида ҳокимиятнинг бошқаргани ҳам бежиз эмас. Жумладан, Норвегия ишчи партиясини олтинчи йил давомида ҳукмрон партия бўлиб келди. Шведияда эса социал-демократик партия 1920 йилдан 2006 йилга қадар қисқа муддатли бонафуслар билан давлатни бошқариб келди. «Швед фаровонлиги» ғояси шу партия ҳукмронлиги йилларида ҳаётга татбиқ этилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин қайта тузилган Социалистик Интернационал 1951 йилда Франкфурт декларациясида ўз расмий доктринасини эълон қилди. Бу «Фаровонликка эриш» деб номланган, деган тезисга асосланган «Демократик социализм» доктринаси эди. Бугунги кунда Социалистик Интернационал дунёнинг 120 мамлакатидagi 139 партия аъзодир. Жаҳон социалистик тизимининг инқирозидан кей-

ин кўпгина коммунистик партиялар ҳам Социалистик Интернационалга аъзо бўлиб киришди. Мазкур ташкилотнинг Конгресслари эса ҳар 3 йилда бир марта ўтказилади.

Мафкура жиҳатдан турлича, лекин сиёсий йўли муштарак бўлган партиялар Социалистик Интернационални ташкил этганлар. Шуниси эътиборга лойиқки, сиёсий плюрализмни инкор этувчи партиялар бу ташкилот аъзоси бўла олмайдилар. XX асрда социал-демократиянинг бир қатор машҳур вакиллари дунё сиёсати ва тарихида чуқур из қолдирдилар. Улар қаторига В. Брандт, У.Пальме, Б.Крайский, Франсуа Миттеран, Социалистик Интернационал раиси — Франциянинг собиқ бош вазири Пьер Моруа ва бошқаларни киритиш мумкин. Сўнгги пайтларда социал-демократлар «экологик социализм» ғоясини ҳам илгари сурмоқдалар.

Социал-демократия ҳозирги даврнинг энг таъсирли ғоявий оқимларидан бири бўлиб, у ижтимоий ислохотларни амалга ошириш йўли орқали жамиятни социалистик асосда қайта қуришни, халқ фаровонлигига эришишни кўзда тутди.

Ҳозирги замоннинг обрўли социал-демократик партиялари сифатида қуйидаги сиёсий кучларни санаб ўтиш мумкин:

- 1869 йили ташкил этилган Германия социал-демократик партияси;
- 1871 йили ташкил этилган Дания социал-демократик партияси;
- 1879 йили ташкил этилган Испания социалистик ишчи партияси;
- 1887 йили ташкил этилган Нидерландия ишчи партияси;
- 1900 йили ташкил этилган Буюк Британия лейбористлар (ишчи) партияси ва бошқалар.

Дунёдаги энг узок тарихга ҳамда кўпсонли аъзоларига эга партиялардан бири бўлган Шведия социал-демократик ишчилар партияси (Sveriges socialdemokratiska arbetepartiet) 1889 йилнинг 23 апрелида ташкил топган.

Шведияда социал-демократик ҳаракатнинг бошланиш санаси сифатида 1881 йилнинг 6 ноябрини кўрсатиш мумкин. Ушундан Мальмё шаҳридаги «Стокгольм» меҳмонхонасида бўлиб ўтган йилгида мамлакатда умумий сайлов ҳуқуқини жорий этиш талаб қилинган. Зеро, ўша пайтлари аҳолининг маъмул даромадга эга бўлган 5 фоиз эркекларидагина сайлаш ҳуқуқи мавжуд эди.

1917 йил партия тарихида муҳим аҳамиятга эга сана бўлиб қолди. Айнан шу йили партиядан инқилобий руҳдаги қатлам ажралиб чиқиб, Швеция коммунистик партиясини тузди (ҳозирги Сўл партия). Шундан кейин партияда ҳақиқий социал-демократик қарашлар устуворлик касб этди. Партия демократик иде-



аллар қарор топган, барча одамлар тенг ҳуқуқларга эга бўлган жамият қуришни ўзининг бош вазифаси сифатида белгилади.

Социал-демократларнинг ҳар қанча саясий-ҳаракатлари қарамасдан, Шведияда 1921 йилга қадар умумий сайлов ҳуқуқи таъминланмади. Шу сабабли партия мамлакат риксдаги (парламенти)да етарли ўрин ололмади. Фақат 1917 йилдагина социал-демократлар мамлакатни янада демократлаштириш мақсадида либераллар билан коалицияга кириб, ҳукумат таркибидан жой олишди.

1921 йилдан кейин эса социал-демократия ғояси тарafdорлари мамлакатда янада кўпайди. Бунинг натижасида Шведия социал-демократик

шведлар социал-демократлар учун овоз бердилар. 1932 йили Швеция ҳукуматини социал-демократлар ва аграр партиядан ташкил топган Ханссон кабинети бошқара бошлади. Социал-демократлар давлат капиталга ёрдам бериши шарт эмас, капитал ўзи ҳақида ўзи қайгура олади, давлат энг аввало, истеъмолчи қўмақлашиши лозим деган ғояни илгари сурдилар. Истеъмолчи пул бериш керак, токи у маблағига бирон нима сотиб ола бошласин. Махсулот сотилган тақдирдагина ишлаб чиқарувчи бозорга эга бўлади. Фақат мана шу йўл билан инқирозни аста-секинлик билан бартараф этиш мумкин.

Бунинг учун нима қилиш керак? Швед социал-демократлари аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ҳимоя этувчи қонунларни қабул қила бошладилар. Дастлаб, ҳар бир меҳнатқашга иш беришнинг ҳисобидан камида 12 кунлик таътил, ишсизлик юзасидан сугурта, кексалик сугуртаси жорий этилди, ҳар бир туғилган бола учун маблағ тўлана бошланди. Натижада швед оиласида кўпроқ пул пайдо бўла бошлади.

Шундан кейин социал-демократлар иш бериувчиларни қасба уюшмалари билан шартнома тузишга мажбур этувчи ҳуқуқий меъёрлар қабул қилдилар. Бу шартномаларда энг кам иш ҳақи, иш кунининг қанча давом этиши кўрсатилган бўлиши шарт эди. Шундай қилиб, социал-демократларнинг саясий-ҳаракатлари билан Шведияда сақланиб қолган капитализм инсоний қиёфага эга бўлди, яъни оддий ишчилар ва хизматчилар ўз меҳнатларига яраша ҳақ ола бошладилар.

Социал-демократлар мамлакатнинг ҳар бир минтақаси учун алоҳида ва узок муддатли ривожланиш режасини ишлаб чиқдилар ва уни муваффақиятли тарзда амалиётга татбиқ этиш олдидилар. Бу режалаштириш иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимига табиий равишда сингишиб кетди.

Социал-демократлар Швеция иқтисодиёти жаҳон бозори ва халқаро капитал оқими учун очиклигини эълол қилди. Тўғри, ўтган асрнинг 90-йилларида келиб айрим сиёсий кучлар социал-демократларнинг бу ғояларига қарши чиқдилар. Ҳатто мамлакатнинг

1995 йили Европа Иттифоқига аъзо бўлиши ҳам бу кучларни тўхтатиб қололмади. 2006 йили эса тўрт либерал-консерватив партия бирлашиб, социал-демократларга қарши кураш олиб боришди. Натижада социал-демократлар навбатдаги риксдаги сайловда бу альянсдан бор-йўғи бир фоиз кам овоз олдилар. Тез орада мамлакатда илк бор ишсизлик ўта жиддий сиёсий муаммо сифатида юзга қалқиб чиқди...

Дарвоқе, маълумот тариқасида эслатиб ўтайлик, Швециянинг бир палатали парламенти — риксдагга тўрт йилга сайланадиган 349 депутат фаолият олиб боради. Риксдаг спикер — талман томонидан бошқарилади. Риксдаг биноси Стокгольмда жойлашган. Риксдагга ҳар бирида 17 тадан ўрин бўлган 15 та парламент кўмитаси фаолият юритади. Ҳукумат риксдагга ҳисобот беради. Айнан риксдаг бош вазири тайинлайди. Ўз навбатида бош вазир ҳукуматни шакллантиради. Мамлакат конституциясига асосан, ҳукумат қарорларини давлат раҳбари, яъни монарх эмас, ҳукумат қабул қилади.

2006 йилги сайловлардан кейин муҳолифатга ўтган Швеция социал-демократик партияси кейинги олти йил ичида швед жамиятида тенгсизлик кучайганини таъкидлайди. Швецияни «улкан имкониятлар мамлакатини» деб биладиган партия янги иш ўринлари яратиш ва ижтимоий сугурта тизимини кучайтириш ғоясини илгари сурмоқда. Ўз имкониятларини кучайтиришга киришган Швеция социал-демократлари IF Metall қасба уюшмаси етакчиси Стефан Ловен шу йил январь ойидан раҳбарлик қилмоқда. Қасба уюшмаси аъзоси эканлигидан фахрланишини билдирган Стефан Ловен партия фаоллари ва қасба уюшмаларини таълим сифатини ошириш, ишсизликни камайтириш, ҳар бир инсон ўз имкониятларини ошира олишга қодир бўлган кучли жамият қуриш йўлида кучларни бирлаштиришга чақирди. Кейинги сайловларда ғолиб чиққан тақдирда социал-демократлар Яшиллар партияси ҳамда Сўл партия билан ҳамкорликда «қизил-яшил коалиция» тузиш ниятида.

А.ЙЎЛДОШЕВ

Ҳаётга кўчган ваъдалар

Шу йил Франция президенти этиб сайланган Франсуа Олланд ўзининг сайловолди ваъдаларини амалга оширишга киришди. Унинг сайловолди дастурида президент ва вазирларнинг маошини 30 фоизга қисқартириш, бойлар учун солиқ юқини ошириш каби ваъдалар ўрин олганди.

Кунни кеча TF1 телеканалига интервью берган Франсуа Олланд йиллик даромади 1 миллион евродан ошадиган французлар учун даромад солиғи ставкаси 41 фоиздан 75 фоизга кўтарилишини маълум қилди. Президентнинг бундай ташаббуси Франция жамиятида кескин музокараларга сабаб бўлмоқда. Айрим экспертлар бу тартиб мамлакатдан миллионерларнинг оммавий равишда чиқиб кетишига сабаб бўлишини таъкидлашмоқда.

Ҳозирча ушбу солиқнинг қандай ундирилиши бўйича аниқ кўрсатмалар йўқ. «Le Figaro»нинг ёзишича, ушбу солиқни йиллик даромади 2 миллион евродан ошадиган оилавий жуфтликлардан олиш, мазкур солиқ фақатгина маошдан ушланиши, бошқа даромадлар киритилмаслиги, спортчилар ва юлдузларга имтиёзлар бериш керак бўлади. Йўқса, унинг оқибатлари мамлакат иқтисодиёти учун оғир асоратларга олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, даромад солиғининг максимал ставкаси Бельгия ва Буюк Британияда 50 фоизни, Германияда 45 фоизни, АҚШда эса 35 фоизни ташкил қилади.

Франсуа Олланднинг бундай қалтис чораларга қўл уриши бежиз эмас, албатта. Гап шундаки, иқтисодий инқироз французларни тежамкорроқ сиёсат юритишга мажбур қилди. У ўз сайловолди кампанияси чоғида давлат бюджети тақчиллигини 2013 йилда 4,5 фоиздан 3 фоизга туширишни ваъда қилган эди.

Яқин кунларда тақдим этиладиган давлат бюджети лойиҳасига кўра, мамлакатнинг солиқ даромадлари 20 миллиард еврога ортиши, давлат харажатлари эса 10 миллиард еврога камайиши керак. Даромад солиғининг оширилиши давлат газ-насига қўшимча 11 миллиард евро келтиради. Бу бюджет тақчиллигининг учдан бир қисmini ёпишга ёрдам беради.

Ливияда АҚШ элчиси ўлдирилди

Ливия ҳукумати расмийлари хабарларига кўра, чоршанба кунни мамлакат шарқидаги Бенгази шаҳрида қуролланган кишиларнинг АҚШ консуллигига ҳужуми натижасида Американинг Ливиядаги элчиси ҳалок бўлган.

Рейтер агентлиги ҳужум натижасида элчидан ташқари консулликнинг яна уч ходими ўлдирилганини таъкидламоқда. Айрим маълумотларга қараганда, одамлар АҚШда суратга олинган, ислом дини ҳақорат қилинган фильм сабабли жунбушга келишган.



Янги iPhone иқтисодиётни юқорига кўтаради


Reuters агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, янги iPhone сотуви АҚШ ялли ички маҳсулоти ҳажмини камида ярим фоизга ошириши мумкин. Бу ҳисоб-китоб J.P.Morganнинг бош иқтисодчиси Майкл Феролига тегишли.

Иқтисодчининг сўзларига кўра, iPhone 5 сотуви қисқа муддатда мамлакат ЯИМ ҳажминини 3,2 миллиард АҚШ долларига оширади. Умуман олганда эса, айнан янги гаджет сотуви туфайли 2012 йилнинг ўзига ЯИМ 0,5 фоизга қадар кўтарилади.

Apple компанияси режасига кўра, йилнинг тўрттинчи чорагида 8 миллион донга iPhone 5 сотилади. Ҳар бир смартфоннинг баҳоси 600 долларни ташкил этади. Янги iPhone 21 сентябрдан бошлаб сотувага чиқарилади.

Эслатиб ўтамиз, бундан олдинги модель iPhone 4S ўтган йилнинг октябрь ойида сотувага чиқарилганди. Сотувнинг дастлабки уч кунда Apple бундай смартфонлардан тўрт миллион донга сотишга улгурганди.

Тахминларга кўра, 2012 йилда АҚШ иқтисодиётида ўсиш 2,8 фоизни ташкил этади. 2011 йили мамлакатда бу кўрсаткич 1,8 фоизни, 2010 йилда 2,4 фоизни ташкил этганди. 2009 йилда эса бутунжаҳон молиявий инқирози таъсирида АҚШ иқтисодиётида 3,1 фоиз қисқариш юз берганди.



Реклама бозори кенгаймоқда

GroupM тахлилий компанияси шарҳида келтирилган маълумотларга қараганда, 2012 йил якунларига кўра Хитой реклама бозори 13,4 фоизга ўсиб, 62 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши мумкин. Солиштириш учун келтириб ўтайлик: бутун дунё реклама бозори 506 миллиард АҚШ долларига баҳоланади. Шундай қилиб, Хитой дунё реклама бозорининг 12 фоиздан кўпроғига эгалик қилмоқда.



Хитойда реклама маблағларининг ярмидан кўпроғи (53 фоиз) телевидениега сарфланади. Бу соҳада Интернет аста-секинлик билан «ойнаи жаҳон»га яқинлашиб келмоқда: 2012 йилнинг ўзига Интернет-реклама маблағи камида 55 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Холбуки, GroupM тахминига кўра, Фарбий Европа мамлакатларида реклама бозори маблағи 1 фоизга камайиши кутилмоқда. Дунёдаги энг йirik реклама бозорига эга бўлган АҚШда эса ўсиш 3,6 фоизни ташкил этади, холос.

Осмондан тушган майит

Agence France-Presse хабарига кўра, Лондоннинг фарбий қисмидаги Портман-Авенюда яқшанба кун эрталаб топилган эркак мурдаси Хитроу аэропортига қўнаётган самолётдан тушиб қолган, деб тахмин қилинмоқда.

30 ёшлардаги африкалик эркак йўловчилар рўйхатида бўлмаган, экипаж таркибига ҳам қирмаган. Шунга кўра, мурихаси эркакнинг ўша эркакнинг ичида яширинча учган дейишмоқда.

Марҳум тахминан 600 метр баландликдан қулаб тушган. Экспертлар яширин муҳожир қулаб тушгунга қадар ҳалок бўлганини таъкидлашмоқда, чунки у яшириниб олган жойдаги ҳаво ҳарорати баландлик-



да минус 40 даражага боради. Бу ҳавода юз берган биринчи фожиа эмас. Маълумотларга қараганда, ўтган ойда Кейптаундан Лондонга учиб келган «Боинг-747» бортида эркак жасади топилган.

Сўнгги саҳифа

Полвонларимиз зафари

Белбоғли кураш

Спорт — инсонни чиниктиради, соғлом турмуш тарзига ўргатади. Давлатни қисқа фурсатда дунёга танитадиган ҳам спортдир. Мамлакатимизда ёшларнинг спорт билан мунтазам шугулланишлари ва бўш вақтларидан унумли фойдаланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунини сўнгги йилларда қад кўтараётган спорт мажмуалари, спортга ихтисослаштирилган мактаб интернатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Миллий спортимиз — белбоғли кураш истиқлол шарофати билан қайта ривожлантирилди. Бугун у, нафақат, диёримизда, балки хориж мамлакатларида ҳам оммалашиб бормоқда. Белбоғли кураш бўйича мамлакат биринчилиги, катта-катта халқаро мусобақалар, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 8-12 август кунлари Россия Федерациясининг Рязань шаҳрида 1995-1997 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида белбоғли кураш бўйича жаҳон биринчилиги бўлиб ўтганлиги сўзимиз исботидир. 16 давлатдан 146 нафар иштирокчи қатнашган ушбу мусобақада юртимиз курашчилари 3 та олтин, 1 та

кумуш ва 7 та бронза медалларни қўлга киритишиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

— Болалигимдан спортнинг белбоғли кураш тури билан шугулланаман, — дейди 95 кг. вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган Шерзод Раҳимов. — Ушбу мусобақада қатнашиб олтин медални қўлга киритишни ва уни Истиқлол байрамимизга совға қилишни мақсад қилгандим. Ўз мақсадимга етганимдан хурсандим.

Шунингдек, ҳар йили Мустақиллик байрами муносабати билан республикамизнинг турли ҳудудларида белбоғли кураш мусобақалари ташкил этилиши анъанага айланган. Бу йил ҳам Тошкент вилояти



Пискент тумани марказида жойлашган истироҳат боғида бўлиб ўтган байрам сайлари доирасида белбоғли кураш бўйича Истиқлолнинг 21 йиллиги Республика очик турини ташкил этилди. Қизгин ва кескин кураш-

ларга бой ўтган мусобақада Сирдарё, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Андижон, Хоразм, Тошкент вилояти ва пойтахтдан ташқир буюрган таниқли полвонлар ғолиблик учун бахсларга киришишди. Икки юзга яқин

спортчи қатнашган мазкур турнирда 55 кг. вазн тоифасида М.Абдуқодиров (Тошкент вилояти), 60 кг. вазнда Ш.Эгамбердиев (Сирдарё), 66 кг. вазнда И.Эгамов (Тошкент вилояти), 73 кг. вазнда П.Ҳаким-

боев (Тошкент вилояти), 81 кг. вазнда Р.Умаров (Наманган), 90 кг. вазнда З.Ортиқов (Тошкент шаҳри), 100 кг. вазнда Н.Махаматов (Тошкент вилояти), 100 кг.дан юқори вазнда Б.Тўхтасинов (Тошкент шаҳри) шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилишди. Пойтахтлик полвон Б.Тўхтасинов мутлоқ вазн тоифасида ҳам тенгсиз деб топилди.

Юқори савияда ташкил этилган мусобақа ғолибларига Пискент тумани ҳокимлиги ва Ўзбекистон Белбоғли кураш федерациясининг туман бўлими ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Айтиш жоизки, беш минг йиллик тарихга эга бўлган ва ўзидан миллий қадриятларимизни акс эттирган мазкур спорт турини оммалаштириш ва уни ривожлантиришда Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДП ўртасида ўрнатилган ижтимоий ҳамкорлик ўзининг самараларини бермоқда.

Ғулом ХИДИРОВ,
«Адолат» мухбири

«Уйқу» операцияси

Эҳтиёт бўлинг, фарибгар!

Инсон умрини безайдиган ноёб фазилат борки, унга муяссар бўлганлар доимо эл ардоғида, ҳурмат-эътиборда бўлишади. Бу — ҳалоллик. Ҳалол инсон бахтиёр инсондир. Бироқ ҳаётда шундай тоифа одамлар ҳам учрайдики, нафс кўтқусига ўчиб, йиллар давомида орттирган обрў-эътиборларидан бир зумда мосуво бўлиб, эл назаридан қоладилар...

Нозима опани таниган-билганлар аёлининг сабр-тоқатиға, қўли гул чеварлиғига, уй-жойини ораста тутишига ҳавас қилишарди. Онасини кўриб қизини, мулкни кўриб бўзини ол, деганларидек, унинг қизларини келин қиламан, деб зимдан тайёрланиб юрганлар қанча эди.

— Қиз бола онасига тартади, шундай катта ҳовлини, тўрт фарзандни аёл боши билан эплаб юрибди. Олти йилдан буён ўсал ётган эри ҳақида ҳам бировга зорланиб оғиз очган эмас.

— Қўлининг гуллигини айтмайсизми? Тиккан кўрпа-тўшакларига томоша қилиб тўймайсан, ўлчогичида белгилаб тиккандек бир текис!

Нозимахон ҳақида фақат мана шундай хуш қаломлар айтиларди. Ўғил уйлантириш ёки қиз узатиш арасида турган маҳалладошлари кўрпа-тўшакларини тикиш-қаиш ишларини фақат шу аёлга топширишарди.

Аммо қўтилмаганда бу фазилатлар бирдан барҳам топди. Энг афсусланарли томони, ёши бир жойга етиб, қудали-андали бўламан, деб турган вақтида Нозима мисқоллаб йиққан обрў-эътиборидан айрилди-қолди.

...Ҳаммаси аёл «сурункали митоменингит» касалига чалинган эрига невропатолог ёзиб берган дорининг қучли таъсир этувчи, яъни ухлатувчи хусусиятидан хабар топганидан кейин бошланди. Нозима бу доридан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳақида ўйлаб бошлади: «Қачонгача эшикма-эшик юриб одамларнинг хизматини қилиб умр ўтказаман. Ўйлаган режаларим амалга ошиб қолса эди...». Ва кунларнинг бирида...

Қўйлиқ автошоҳбехатида бесўнақай йўл сумкалари устида ўтириб олиб, тинимсиз пул санаётган аёлни ҳаракатлари маршрутқа қўтиб ўтирган Нозиманинг диққатини тортди. Соддалиги шундоқки-на юз-қўздан кўриниб турган

бу аёлни узоқ қишлоқдан келганлигини сезган жувон анчадан буён ўйлаб юрган режасини амалга ошириш мақсадида бояқшининг ёнига ўтирди-да, уни аврашга тушди:

— Опажон, эътироз билдирмасангиз хув, анави қафеда бирга нонушта қилсак. Шу десангиз, бир ўзим чой ичишни ёмон кўраман.

— Жуда яхши бўларди, — пулларини сумкасига яхшилаб жойлай туриб, розилик билдирди ўзини Шохиста деб таништирган аёл. — Мен ҳам эрталаб чой ичмасдан чиққандим, бугун Қашқадарёнинг Чироқчи-сига қайтиб кетишим керак. Йўлда тановул қилиш учун у-бу егулик ҳам оларимдим. Юринг бўлмаса!

— Бу қафеда қайнатма шўрвани мазали тайёрлашди, сизга ҳам шундан олиб келайми? — қафега киришиб, столлардан бирига ўтираркан, тақлиф қилди Нозима.

— Майли, — эътироз билдирмади Шохиста.

Нозима ошпазлардан икки-та шўрва олди-да, чўнтағидаги дорининг тўртта донасини қосалардан бирига солиб, овқатга аралаштириб юборди.

— Вой, жудаям уйқум келаяпти, — шўрвани ичиб бўлгач, қўзлари юмила бошлади аёлни. — Эрталаб жуда барвақт тургандим, ҳойнаҳой шунга бўлса керак.

Гапи охирига етар-етмас, қўлини ёстиқ қилганча уйқуга кетди. Бу дастлабки «мижози» бўлганлиги учунми, Нозима аёлни елкасидан тутиб, бирикми марта силтаб кўрди. Бироқ ундан садо бўлмагач, фурсатдан фойдаланиб унинг сумкаси, шарфи, «Нокия» русумли қўл телефони, 1 681 000 сўм пулини ҳамда фуқаролик паспортини олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлди...

Нозима энди юрса ҳам, турса ҳам фарибгарликнинг янгидан-янги усуллари ҳақида бош қотирар, бир зумда бойиб кетиш учун нималарга эътибор қаратиш борасида бетиним изланарди.



— Менинг тилла балиқчам, оппоқкина тилла балиқчам, — дорини қўлида гир айлантириб ширин-ширин хаёлларга чўмарди Нозима. — Сени ёзиб берган врачдан минг марта айланиб-ўлгирсам арзийди. Мендек аёлни оғир юмушлардан, нинанинг санчиқли азобларидан халос этдинг. Насиб этса, бойиб кетаман. Мана бу деворлари нураб, адо бўлаётган баланд ҳовлини қайтадан чироқли қилиб кураман.

Орзуларининг саноғи йўқ... Шу мақсадда бедаво дардга чалинган девонадай ҳар кунни бозорларни, одамлар гавжум жойларни кезар, баъзида бошқа туман ҳудудларида уйма-ўй юриб, келин ахтариш ниқоби остида Ўзига муносиб миқозлар изларди. Унинг бахтига содда одамлар ҳам тез-тез учраб турарди.

Янгибозор бекатида турган аёл кўзига бадавлатроқ кўриниб кетди шекилли, Нозима унга яқинлашди-да, гапга солди: — Қўғирчоқлар набирилар-гами дейман-а, аяжон?

— Ҳа, — қулди 65 ёшлардаги қибрайлик Розия Зокирова. — Набиралар ҳам биладан менинг қачон нафақа пулини олишимни. Янги рўмолимни бошимга олишим билан гирдиқапалак бўлишади, қочиндиқлар. Бири шоколад, бошиқ кўзи очилиб-юмилидиган қўғирчоқ айтган. Ҳар сафар нафақани олишим билан уларни бир сийлайман.

Афсуски, онахон бу сафар набириларини сийлашга улгурмади. Гап шундаки, Нозима онаси тенги бу аёлни ҳам алдаб, менга шерик бўлиб, дея қафега тақлиф қилди-да, кофега аралаштириб уйқу дорини ичиришга муваффақ бўлди. «Уйқу» операцияси муваффақиятли тугагач, аёлни нафақасидан қолган 300 минг

сўм пулни ва кулоқларидаги 2 000 000 сўмлик тилла зирани, уяли алоқа телефони, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» гувоҳномасини ва хатто ширин-тойлар интизорлик билан кутиб ўтирган совғаларни ҳам ўмарди.

Нозиманинг кирдикорлари шу ерда тугагандир, деб ўйлаётган бўлсангиз, адашасиз. У парктентлик Ойибой Холиқованинг хонадонига кўрпа-тўшакларни қавиб бераман, дея кириб олиб, нархи 660 000 сўмлик тилла узуги ва 700 000 сўмлик тилла зиранини, 300 АҚШ долларини синовдан ўтган усул орқали қўлга киритган бўлса, яна шу туманлик Дилрабо Йўлчиёваникига совчиликка келган киши бўлиб, унинг 1 200 000 сўмлик тилла занжирини, 500 000 сўмлик тилла узугини ўзлаштириб олади.

Фуқаролар Д.Собирова ҳамда Л.Содиқовани ҳам қафеда бирга овқатланишга кўндириб, уларга тегишли 900 000 сўмлик тилла зирақлар, 200 000 сўм пул ва «Нокия-6300» русумли уяли телефони-ни ўмариб кетади. Қўлга киритган бойликларни тезликда сотиб юборди...

Кўза кунда эмас, кунда си-нади, деб бежизга айтишмаган. Парктентлик Нозима Абдиқодированинг жиноий қилмишлари фож этилмай қолмади. Унга Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан 10 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жабранувчиларга етказилган зарарлар ундирилди.

Исматулла МАМАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Тошкент вилояти суди судьяси
Нурхон ЭЛИМРЗАЕВА,
журналист

Сўранг, жавоб берамиз

Истеъмолчи ҳуқуқи қонун ҳимоясида

Баъзи дорихоналарда «Сотилган дорилар алмаштириб берилмайди» деган эълонни учратиш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам шундайми?

Шоҳида Мирбобоева,
Тошкент вилояти.

— Дори препаратлари қайтарилмайдиган ёки худди шундай товарга алмаштирилмайдиган товарлар рўйхатиға қиради. Бундай мазмундаги эълонлар қонунга зид эмас. Агар сизда дори сифатиға шубҳа туғилса бошқа гап.

Яқинда Наманган шаҳар Самарқанд кўчасида жойлашган аёллар кийими дўконидеги сотувчи билан келишолмадим. Сабаби, ушбу дўкондан 55 минг сўмга сотиб олган кўйлагимнинг матоси сифатсиз, чоклари яхши тикилмаган экан. Сотувчи кўйлагини сифатсизга алмаштириб олиш ҳақидаги тақлифимни рад этса дег...

Дилдора Тулаганова,
Андижон вилояти.

— Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 18-, 29-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана савдо қоидалари ҳақида»ги қарорига кўра, сотувчи томонидан харидорга товарнинг нуқсонлари ҳақида айтилмаган бўлса, у ҳолда харидорнинг талаби билан шундай товарга алмаштириб бериши ёки унга тўланган пулни қайтаришда ундан тўлиқ ёки қисман фойдаланганини баҳона қилиб қийматидан бирмунча ушлаб қолишга ҳақли эмас.

Айтайлик, бизнинг ҳуқуқимиз бузилди. Қайси давлат органиға мурожаат қилганимиз маъқул?

Фозилжон Жабборов,
Сурхондарё вилояти.

— «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига кўра истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқлари давлат томонидан махсус ваколат оқлатилган органлар — Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиати муҳофазаси қилиш Давлат қўмитаси ва бошқа давлат органлари томонидан ҳимоя қилинади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси маъсул ходими Умида МАНСУРОВА тайёрлади

ЭЪЛОН

«Адолат» ижтимоий-сиёсий газетаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар (Самарқанд, Наманган, Бухоро вилоятларидан ташқари) бўйича ўз мухбирларини танлов асосида ишга тақлиф этади. Танловда иштирок этишни истаган журналистлар ўзлари ҳамда ижодий ишлари ҳақидаги маълумотларини adolat_gazeta@mail.ru электрон почтасига юборишлари мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
288-42-20, 288-46-64.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий
газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёс Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоял САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Рашид ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Тахрират маънаси: 100000, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона маънаси: Тошкент шаҳри Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ— 900. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6449. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.15

1 2 3 . 5

Ўқинг, бу қизиқ

Антиқа ўғрилиқ

Шри-Ланкада ўтган «Facets Sri Lanka» заргарлик буюмлари кўргазмасида ўғрилиқ содир бўлди. Кўргазма иштирокчиларидан бири намойишга қўйилган қимматбаҳо олмосдан ишланган буюмни ютиб юборган.



Ўғрилиқ мақсадида қимматбаҳо тошни ошқозонига жойлаган 32 ёшли жиноятчи воқеа жойида қўлга олинган.

Мазкур воқеага гувоҳ бўлганларнинг айтишича, номаълум шахс қимматбаҳо тошлар турган витрина ёнига бориб, олмослардан бирини кўрсатишни сўрайди. Ушбу ноёб буюмни синчиклаб кўздан кечирган ўғри уни зудлик билан ютиб юборади. Воқеадан хайратда қолган кўргазма ходими дарҳол полиция ходимларига мурожаат қилган. Тахминан ўн беш минг АҚШ долларига баҳоланаётган мазкур заргарлик буюмини шифокорлар жиноятчининг ошқозонидан қийинчиликсиз чиқариб олган.

«Ширин дарахт»

Польша пойтахти Варшавада баландлиги олти метрга тенг шоколадли пальма дарахти яратилди.



Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ушбу ширин пальманинг оғирлиги 220 килограммга тенг ўттиз бешта барги бор. Дарахтнинг ўзи эса 500 килограмм тош босади.

Маълумотларга кўра, шаҳардаги майдонлардан бирида «ўстирилган» бу пальмани тайёрлаш учун 300 соат вақт кетган. Акция ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, бундан қўзланган мақсад иш ташвишлари ва уй юмушларидан чарчаган пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари қалбига оз бўлса-да кўтаринкилик улашмидан иборат. Майдонга йиғилганлар ана шу лавозатли ширинликдан татиб кўриш имкониятига эга.

Сунбий кўз

Австралиялик шифокорлар мураккаб жарроҳлик амалиётини амалга оширди.



Хабарларга қараганда, қўздан айрилган бир аёлга сунбий кўз ўрнатилган. Бионик деб номланган ушбу сунбий кўз процессор ва видеокамерадан иборат.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, ҳозирча бемор фақат оқ ва қора рангларни ажрата олапти ҳамда тўсиқларни кўра олапти, холос. Шифокорлар беморнинг тиниқ қўриши учун «кўз ускунасини» янада тақомиллаштиришни режалаштирмоқда.